

Әдебиетлар

- 1.Тўхтаев С. ва бошқалар. «Ижтимоий экология». – Тошкент: «Маънавият», 2005.
- 2.Базарбаев Ж. «Әдеп философиясы». - Нөкис: «Билим», 2008.
- 3.Базарбаев Ж. «Рўхиятымыз маржанлары» - Нөкис: «Билим», 2008.
- 4.Базарбаев Ж. «Әдеп философиясы». - Нөкис: «Билим», 2008.

РЕЗЮМЕ

Мақолада экологик тарбияни шакллантирувчи ўлчамлар, инсон маънавияти, асосан, ёш авлодни экологик одоблилик орқали тарбиялаш, экологик маданиятни татбиқ этишдаги вазибалар кенг миқёсда тасвирлаб берилган. Камол топаётган ёш авлодда табиатга мухаббат ўйғотишдаги ўрнатилган бўлгучи саъй-ҳаракатлар, оилада олиб борилиши лозим бўлган тушунтириш ишлари, аждодларимиздан ибратли панд-насихатлар, таълим муассасаларида йўлга қўйилган чора-тадбирлар, болаларни табиатни асрашга қўлловчи усуллар ҳақида аҳамияти зўр масалалар очиқ берилган. Бу масалаларнинг бажарилиши билан бирга ёш авлодни меҳнатқашликка, бу дунёда тинч ва мазмунли умр кечириши, албатта, табиат билан узвий боғлиқлиги таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье описывается широкий спектр аспектов, которые формируют экологическое образование, духовность человека, в основном образование молодого поколения посредством экологической этики, реализации экологической культуры. Раскрываются образцовые усилия по привитию любви к природе молодому поколению, разъяснительная работа в семье, образцовое учение наших предков, меры, принимаемые в учебных заведениях, способы побуждения детей заботиться о природе. Наряду с выполнением этих задач анализируется, что молодое поколение трудолюбиво, живёт мирной и осмысленной жизнью в этом мире и неразрывно связано с природой.

SUMMARY

The article describes a wide range of aspects that form environmental education, human spirituality, mainly the education of the young generation through environmental ethics, the implementation of environmental culture. Exemplary efforts to instill a love for nature of the young generation, explanatory work in the family, exemplary teaching of our ancestors, measures taken in educational institutions, ways to encourage children to take care of nature are revealed. Along with the fulfillment of these tasks, it is analyzed that the young generation is hardworking, lives a peaceful and meaningful life in this world, and is closely linked with nature.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ АҲЛИНИНГ ФРОНТДА КЎРСАТГАН ҚАҲРАМОНЛИКЛАРИ

К.Т.Тошов – ўқитувчи

Термиз давлат университети

Таянч сўзлар: фронт, фашизм балоси, ҳарбий комиссариат, хат, ҳаёт-мамонт жанги, мудофаа, моддий ашёлар, уруш, қаҳрамонлик, дўстликка содиқ, партизан, разведка, меҳр-оқибат, ватанпарварлик, жасорат.

Ключевые слова: фронт, катастрофа фашизма, военный комиссариат, письмо, битва за жизнь и смерть, оборона, материальные блага, война, героизм, дружба, партизаны, разум, доброта, патриотизм, мужество.

Key words: front, catastrophe of fascism, military commissariat, writing, battle for life and death, defense, material wealth, war, heroism, friendship, partisans, mind, kindness, patriotism, courage.

XX аср инсоният тарихида Иккинчи жаҳон уруши энг оғир фожиявий из қолдирган тарихий воқеалардан саналади. Улуғ Ватан уруши даврида 73 давлатдан 62 давлат уруш домига тортилди, натижада ер шарии аҳолисининг 80 фоизи урушга бевосита қатнашди. Қолган 11 та давлат ҳам манфаатларидан келиб чиқиб у ёки бу тарафга ён босишга мажбур бўлдилар. Иккинчи жаҳон уруши 40 та давлат, уч китъа ва тўрт океанда олиб борилган. 110 миллион қурулган аскар иштирок этган бу урушда тахминий ҳисоб-китобларга кўра, 60 миллион киши қурбон бўлган.

Шу ўринда, фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқи ҳам муносиб ҳисса қўшган. Умуман, уруш бошларида 6,5 миллион кишидан иборат бўлган Ўзбекистон аҳолисининг 1.433.230 таси урушга сафарбар этилган. Агар аҳолининг ярмини аёллар, болалар ва кексалар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, меҳнатга яроқли аҳолининг қирқ-қирқ икки фоизи фронтда жанг қилганлиги аниқ бўлади. Босқинчиларга қарши қўлга қурул олиб 263005 киши ҳалок бўлган, 132670 киши бедарак йўқолган, 60452 ватандошимиз ноғирон бўлиб қолди. Уларнинг кўпчилиги мардлик намуналарини кўрсатиб, жанговар орден ва медаллар билан тақдирланди.

Собиқ СССР таркибида бўлган бошқа халқлар қатори ўзбек халқи ҳам уруш гирдобига тортилди. Ана шу умумий сафарбарлик натижасида Ўзбекистондан 1,5 миллион киши, жумладан, сурхондарёликлардан 20724 нафар мард ўғлонлар фашизмга қарши курашга сафарбар этилди [1:5-6].

Ота ва оналар ўз ўғлонларини фронтга жўнатар эканлар, уларга босқинчиларга қарши шараф билан курашиш, ўтмишда босқинчиларга қарши курашларда голиб чиққан қаҳрамонларнинг жанговар жасоратларидан намуна олишни, мард, ботир аскар бўлиб, душманлар устидан ғалаба қозонишларини тилаб қолгандилар. Урушнинг биринчи кунидан

Сурхон элининг азаматлари қўлга қурул олиб фашизм билан бўладиган қонли жангларга отландилар. Иккинчи жаҳон уруши бошланишининг дастлабки кунларидан Сурхон воҳасидан фронтга бориш хоҳишини билдирган ҳақиқий маънодаги ватанпарварлар, мард ва жасур ўғлонлар сони 2 минг кишидан ошиб кетди. Жумладан, ана шундай кўнгилли бўлиб, фронтда қатнашиш хоҳишини билдирган ватанпарвар ўғлонлардан А.Хусанов, Б.Қурбонов, С.Исмоилов, З.Хўжамуродов, М.Хўжамуродов, Э.Тўрақулов, М.Абдуназаров, Қ.Омонов, Х.Ашуров, Б.Омонов ва Т.Ҳасановларнинг номларини айтиб ўтишимиз мумкин. Сурхондарёлик минглаб йигит ва қизлар урушга отланиб қўлларига қурул олдилар. Жумладан, вилоятнинг 80 нафар жасур қизлари қўлларига қурул олиб душман билан аёвсиз кураш олиб борган бўлса, вилоят комсомол кўмитасининг қотиби Қасимов бошчилигида десантчи бўлган 340 нафар ўсмир ватанпарварларнинг номлари ҳаво қўшинлари жанговар тарихий солномаларидан ўрин олди. Сурхон воҳасининг отахон ва онахонлари ўз фарзандларини фронтга жўната туриб, уларга жанговар топшириқлар бера бошладилар. Термиз тумани “Қизил чегара” хўжалигида яшовчи Шомирбобо Мирзаев ўғлини аскарликка қўзғата туриб “Ўғлим мард бўл, ботирлик билан кураш” деган бўлса, Шеробод тумани “Социализм” хўжалигининг Ғамбур қишлоғида яшаётган Очил Турдимуродовнинг онаси ўғлини фронтга қўзғатар экан: “Ўғлим, душманга омонлик берма, душманни битта қолдирмай қириб, ғалаба билан қайт ва уй жойимга эгалик қил”, деб оқ фотиҳа бериб фронтга жўнатишдилар [2]. Ота- оналар насихатиға амал қилган ҳолда уларнинг берган ҳар бир ўғитини муқаддас қилиб Сурхоннинг мард, жасур, азамат шер йигитлари душман билан мислсиз жангларда қаҳрамонлик кўрсатдилар. Фашизмга қарши бўлган жангларда Сурхон воҳасининг 50365 та ватанпарвар, фидойи ўғлонлари қўлларига қурул олиб душманга

қарши курашдилар. Сурхондарё вилоятидан урушнинг дастлабки кунларидан то 1942 йил 30 октябргача 20727 нафар киши урушга сафарбар этилди [2:145].

Иккинчи жаҳон уруш йилларида вилоятдан армияга қўшимча кучлар етказиб бериш ва уларнинг ҳарбий тайёргарлигини яхшилаш ишларига ҳам алоҳида эътибор берилди. 1941 йил 29 сентябрда ВКП(б) Марказий Қўмитаси “СССР фуқароларига умумий мажбурий таълим бериш ҳақида” қарор қабул қилди, қарорни бажариш жараёнида биргина Сурхондарё вилоятида 18 та ҳарбий ўқув пункти ташкил этилди. 1942 йил давомида вилоятда 193 нафар пулемётчи, 101 нафар танк истребител, 100 нафар автоматчи ва 40 нафар снайперчи тайёрланган бўлса, 1942 йил охиригача 1420 нафар кичик командирлар тайёрланди. 1943 йил мобайнида эса вилоят “Осоавиахим” жамиятида 721 нафар танк истребител, 151 нафар пулемётчи, 250 нафар кавалериячи тайёрланди ёки вилоятда фуқароларга ҳарбий таълим бериш 1943 йилга келиб 170 фоизга бажарилди ҳамда 16481 нафар фуқаро ҳарбий ва ўқув машғулотида иштирок этди. Жумладан 25 санитар дружинасида 266 нафар тиббиёт хамшираси тайёрланди [3:5].

Ўзбекистонликлардан фронтларда она юртлари учун олиб борилган аёвсиз жангларда, фашизм устидан қозонилган ғалабага Сурхондарё вилояти аҳлининг ҳам муносиб ўрни бор. Фронт линияларида Брест қалъасини химоя қилишда Сурхон воҳасининг азаматлари алоҳида намуна кўрсатдилар. Улар орасидан А.Шарипов, И.Қобилов, И.Бегияровлар фронтнинг қайси линиясида жанг қилмасинлар ҳар соат ва ҳар дақиқа душманга қирон келтириб мардлик намунасини кўрсатдилар. Жумладан, Москва шаҳрини химоя қилишда мард ва жасур йигитлардан Ж.Назаров алоҳида қаҳрамонлик намунасини кўрсатди.

Ана шундай мард ва жасур йигитлардан яна бири урушдан олдин Термиз шаҳридаги “Востоккнигторг” базисининг ишчиси бўлиб ишлаган Прокопий Сивустинов ўз жанговар йўлини 1941 йил август ойида бошлади, у топчилар ротасида душман билан Кавказ тоғлари учун олиб борилган аёвсиз жангда алоҳида қаҳрамонлик кўрсатиб “Жасорати учун” медали билан тақдирланган бўлса, Қримни озод қилиш учун олиб борилган ҳаёт-мамат жангларида кўрсатган қаҳрамонлиги учун эса иккинчи марта “Жасорати учун” медали билан тақдирланди. Бундан ташқари Прокопий Сивустинов Севастополь учун олиб борилган жангда III даражали “Шухрат” ордени, Венгрияни озод қилишда олиб борилган жангда эса II даражали “Шухрат” ордени билан мукофотланди [4].

Сурхондарёлик мард жангчилар Украина ва Белоруссия, Кавказ ва Болтиқбўйи ерларини фашизмдан тозалашда, қамалда қолган Ленинградни озод қилишда ва бошқа ҳудудларга ёрдам қўлини чўзишда ҳам мардлик намуналарини кўрсатди. Жумладан, иккинчи жаҳон уруши бошланишидан аввал Денов тумани халқ таълими бўлими мудири бўлиб ишлаган Худайкул Алланазаров душманга қакшатқич зарба берганлиги сабабли “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланди.

1942 йил 12 июлида Сталинград шаҳрини химоя қилишда сурхондарёлик С.Эшбоев, Х.Жўраев, Қ.Омонов, Н.Маматқулов, А.Жўраевлар ҳам алоҳида қаҳрамонлик кўрсатди. Сталинград муҳофафасини ташкил қилишдаги жангларда мардлик кўрсатиб, Ватан озодлиги учун қурбон бўлган сурхондарёлик Х.Жўраев, Р.Қиличов, А.Ашуров ва К.Абдуғаниевларга ўхшаш Сурхон элининг юзлаб навқирон йигитлари номлари Сталинград озодлиги учун қурбон бўлган жангчиларнинг номлари қаторида тарихий-ҳарбий йилномалардан ўрин олган.

Кавказ фронтда душманга қарши кураш олиб

борган жангчилардан бири Сафар Худайбердиевдир. У ўз жанговар йўлини Кавказдан бошлаб, Берлингача бўлган масофани босиб ўтди. Фронтдаги қаҳрамонликлари учун кўплаб орден ва медаллар билан мукофотланиб, ғалабани қаршилаш бахтига муяссар бўлди. Халқлар озодлиги йўлида курашган Сурхондарёлик йигитлардан яна бири Бобо Шарфуллаевдир. У 1943 йил Эстониянинг Нарва остоналарини душмандан тозалашда алоҳида қаҳрамонлик кўрсатди. Иккинчи жаҳон уруши бошларида Сурхон воҳасининг кўплаб ўғлонлари жанг майдонларида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Фронтга Бойсун туманидан кетган Раззоқ Дониёв ҳам тинчлик учун жонини фидо қурбон қилган азаматлардан биридир. У урушда 389-ўқчи дивизияси таркибидаги 1279-ўқчи полкда мўлжалловчи бўлиб жанг қилди. Божув аҳоли пункти яқиндаги 246,4 тепалиги учун бўлган жангда Раззоқ Дониёв ўз пулемётидан ўт очиб, пиёдаларга тўсқинлик қилаётган душман нуктасини яқсон қилди. 389-ўқчи дивизияси командирининг буйруғига биноан Раззоқ Дониёв III даражали Шухрат ордени билан тақдирланди. У 1945 йилнинг 27 февралда қаҳрамонларча ҳалок бўлди, қаҳрамон жангчининг жасади Германиядаги Губин шаҳридан 12 км жанубдаги Нейдерфел кишлоғида дафн қилинган [5:49].

Фашизмга қарши курашда жон фидо қилган яна бир қаҳрамон жангчи деновлик Олломурад Назаровдир. У 194-ўқчи дивизия таркибидаги 616-полки ўқчиси бўлиб жангда душман қароргоҳига биринчи бўлиб, бостириб кириб, 12 гитлерчини ер тишлатди. Олломурад Назаров III даражали “Шухрат” ордени билан мукофотланди. У 1945 йилнинг 15 феврал куни душман билан олиб борилган жанглардан бирида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Марҳум жангчининг жасади Польшанинг Усхановск уездидаги Горнтник кишлоғида дафн қилинган [6:12].

Шеробод туманидан фронтга кетган Ислоҳ Қурбонов ҳам душман билан бўлган жангларда намуна кўрсатиб, 393-ўқчи дивизиясининг 1277-ўқчи полки таркибидаги танкка қарши қуроллар ротаси бўлимда командир сифатида жанг қилган. Ардон аҳоли пункти бўсағасида бўлган душман билан олишувда алоҳида мардлик кўрсатган Ислоҳ Қурбоновнинг жасади шимолий Осетиядаги Ардон кишлоғидан 500 метр шимолий-ғарбий томонда дафн қилинган [6:10].

Деновлик Омон Солиев ёвуз душманга қарши 87-гвардиячи ўқчи дивизия таркибидаги 1378-полкда ўқчи сифатида жанг қилган. Граната иргитиб душманининг бир пулемёт нуктасини, автоматдан ўт очиб 8 солдатини яқсон қилди, енгил ярадор бўлганига қармай жанг майдонидан кетмади. О.Солиев кўрсатган қаҳрамонлиги учун III даражали “Шухрат” ордени билан мукофотланди. У ярадор бўлиб, 1945 йил 25 январ куни қаҳрамонларча ҳалок бўлди, унинг жасади ҳозирги Литвия ҳудудидаги Либава райони Кали Кестекаси шимолий-ғарб томондаги ўрмон чеккасида дафн қилинган [4].

Бойсунлик Қосимов Жума урушга 151-гвардиячи ўқчи полкнинг биринчи ўқчи батальонида қатнашган. У “Жасурлиги учун” медали билан мукофотланган. Ж.Қосимов 1944 йил 11 мартда шиддатли жангда ҳалок бўлди. Улуғ Ватан озодлиги учун ҳалок бўлган жангчининг ҳамшаҳари Умар Рамазонов ҳам душманга қарши курашларда мардлик намуналарини кўрсатиб, душманининг 2 та пулемётини, 40 дан ошиқ аскарини яқсон қилди ва “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланди. У.Рамазонов 1944 йил 18 апрелдаги жангда ҳалок бўлди, у Рован вилояти Чөрвона кишлоғида дафн қилинган [5:50]. Душманга қарши жангларда иштирок этган шерободлик жангчи Жовли Бойматовнинг қаҳрамонликлари ёшларга ибрат бўларлик даражададир. Ж.Бойматов 1943 йилнинг

мартдан душманга қарши жанглarda қатнаша бошлади. Ж.Бойматов Недайвода қишлоғи яқинида гитлерчиларнинг хужумини қайтариш вақтида душманнинг икки танкини яқсон қилиб, саксонга яқин солдат ва офицерни ер тишлатди. Бундан ташқари кўплаб қахрамонликлар кўрсатган ва 1944 йил 5 декабрда 213-ўқчи дивизиянинг “За победу” газетаси 180-сонида катта лейтенант В.Каменев Ж.Бойматов қилган жасоратларини ҳикоя қилувчи “Дўстлик” номли мақоласи чиқди. Унда шундай сўзларни ўқиш мумкин: “Биродарлик туйғуси жангчиларимизни энг оғир вазиятларда ҳам енгилмас қилиб, бу туйғу уларга куч бағишлайди, олға бошлайди, уларни қахрамонга айлантиради. Фашист босқинчиларини ўз ватанларидан танкини сафдан чиқарди. Мамлакатимиз халқларининг бирлиги душман устидан узил-кесил ғалаба қозонишимизнинг гаровидир”. 1945 йил 18 апрелда ўз позициясида турган Ж.Бойматов командирлик қилаётган тўп расчёти 16 та танк қўмағига таянган ҳолда душманнинг ўн иккита танкини, еттига замбарагини, саккизта миномётини, ўн битта пулемёт нуқтасини, 350 га яқин солдат ва офицерини яқсон қилди. Шу жангда Ж.Бойматовнинг ўзи ҳам ҳалок бўлди ва Германиядаги Нодерсдref қишлоғи шимоли-шарқ томонидаги Безимьяная тепалигида дафн қилинган. Ж. Бойматов жанглarda кўрсатган қахрамонлиги учун “Ватан уруши” орденлари билан мукофотланган.

Машъум уруш йилларида душман билан қонли жанглarda минглаб сурхондарёликлар фашизмга қарши қахрамонларча ҳалок бўлдилар. Шулардан Ў.Тўраев, Ж.Олтибоев, А.Қодиров, М.Хўжамуродов, З.Хўжамуродов, Р.Қурбон, Э.Тўракулов, Ш.Алланазаров ва шунга ўхшаш кўплаб ватанимизнинг мард ўғлонларининг номларини санаб ўтиш мумкин. Жанггоҳларда жонини фидо қилган жангчиларнинг муқаддас хотиралари бугунги ёш авлод хотирасида мангу яшаб, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, ёшларимизни аждодларга содиқ бўлиб ўсишларида муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Уруш йилларида сурхондарёлик мард йигитлар ҳарбий илм сирларини мустаҳкам эгаллаб, офицер даражасига кўтарилдилар. Шундай офицерлардан подполковник Қайсаров, Кумиков, Глазуновлар, майор Носиров, Э.Муҳаммадиев, Қувватов, майор Денисов ва шунга ўхшаш кўплаб зобитларнинг номларини кўрсатиб ўтиш мумкин [10:19].

Уруш йилларида ўнлаб сурхондарёликлар разведкачилик билан шуғулланди, шундай кўркмас ва довурак разведкачилар орасида термизлик Нормурод Маматкулов ва шерободлик Сергей Петровлар бор эди.

Бу довурак ватанпарварлар душман ичига кириб бориб, “тил” олиб келишдек оғир вазифани бажардилар. Н.Маматкулов уруш даврида 70 та фашистни қўлга туширишга мувофақ бўлди. Улардан 65 та солдат ва 5 таси эса офицер эди [11]. Жанговар йилларда Сурхон элининг фарзандларидан ҳам мохир партизанлар етишиб чиқди. Шундай партизанлардан, жумладан, полк командири А.Сиддиқов ва сариосиёлик партизан А.П.Сорнацкийларнинг номини келтириб ўтиш мумкин. Андрей Петрович Сорнацкий батальон командири бўлиб, партизанлик ҳаракатларини олиб борган ва душманга қақшатқич зарбалар берган. А.П.Сорнацкий батальони 49 кунда етти марта жанговар операциялар уюштирган ва 82 та фашистни ўлдириб, 6 та машинасини қўлга туширди, 160 бош қорамол немислар қўлидан тортиб олинди.

Фашизм балосини мамлакат ҳудудидан ҳайдаб чиқариш ва Европа тупроқларини озод қилиш, душман уяси бўлган Рейхстагни забот қилишдек шарафли курашларда минглаб сурхондарёлик жангчилар фаол иштирок этдилар ва алоҳида жасорат намуналарини кўрсатдилар. Душманни Берлинга қувиб борган азаматлардан Саидов С., Эргашев К., Абдуназаров Қ., Шоимов Б., Турсуналиев Т., Турдимуродов О. ва шунга ўхшаш минглаб мард ўғлонларнинг номларини айтиб ўтиш мумкин. Уруш йилларида сурхондарёликлардан 6 таси Собик Совет Иттифоқи Қахрамони, 3 нафари “Шуҳрат” орденининг тўла нишондори, 3769 киши турли хил орден ва медаллар билан тақдирланди. Сурхондарёдан сафарбар қилинган 50365 нафар кишининг ярмидан кўпи душман билан бўлган жанггоҳларда ҳалок бўлдилар. Биз бугунги кунда озодлик учун ўз жонини фидо қилган азамат жангчиларнинг номларини эъзоз билан тилга олиб, улар билан фахрланамиз.

Бугунги кунда эса кексалик гаштини сураётган уруш фахрийлари ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта ҳисса қўшиб, мустақил Ўзбекистонимиз ёшларига Ватанга муҳаббат, дўстга содиқлик, сабр-қаноат, инсофу диёнат, ота-онага ҳурмат, меҳнатсеварлик ҳисларини ўз насихат ва ўғитлари орқали сингдирмоқдалар ҳамда давлатимизнинг янада равақ топишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек “Хотира ва кадрлар кунини ва Ғалабанинг 75 йиллигини ҳар томонлама муносиб ва юқори савияда нишонлаш учун тайёргарлик ишларини пухта ташкил этишимиз керак”.

Хуллас, Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт ва фронт ортида машаққатли меҳнат ва азоб-уқубатдан бошқа нарсани кўрмаган одамларнинг кўпчилиги қайғу-алам гирдобидида жон бердилар. Кўпгина қисми жанггоҳларда ёруғ кунларни кўрмасдан қахрамонларча ҳалок бўлдилар. Бироқ шунинг унутмаслик керакки, бугунги тинч, фаровон ҳаёт учун ота-боболаримиз мисли кўрилмаган азоб-уқубатлар ва талофатлар керак бўлса ўз жонларидан кечириб бўлса ҳам бутун инсоният бошига тушган фашизм балосини бартараф этишда мислсиз мардлик, жасурлик кўрсатиб ўз ҳиссаларини қўшиб, жаҳон тарихида мангу ўчмас из қолдиришдилар.

Адабиётлар

1. Хотира. Сурхондарё вилояти. 1-китоб. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. 5-6-б.
2. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 45-фонд, 1-ёзув, 149-иш, 145-б.
3. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 316-фонд, 1-ёзув, 29-иш, 5-б.
4. “Илғор Сурхон учун” газетасининг 1945 йил 21 март сони.
5. Турсунов С. ва бошқалар. Хотира-барҳаёт, кадр-мангу. -Тошкент: “Фан”, 2010. 49-б.
6. Хотира. Сурхондарё вилояти. 2-китоб. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1994. 12-б.
7. “Илғор Сурхон учун” газетасининг 1945 йил 21 март сони.
8. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-фонд, 1-ёзув, 137-иш, 19-б.
9. “Ленин байроғи” газетасининг 1975 йил 25 апрель сони.

РЕЗЮМЕ

Маколада иккинчи жаҳон уруш йилларида ўзбек халқининг Буюк Ғалабага қўшган ҳиссаси, ватандошларимиз ҳаёти, жасорати ва матонати ҳамда Сурхондарё вилояти аҳлининг фронтда қўрсатган қаҳрамонликлари, Ватан озодлиги учун жон фидо қилган марҳум азамат жангчиларнинг номларини эъзоз билан тилга олиш, улар билан фахрланиш каби жиҳатлар тадқиқ этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье исследуется вклад узбекского народа в великую победу во второй мировой войне, жизнь, мужество и отвага наших соотечественников, героизм жителей Сурхандарьинской области на фронте.

SUMMARY

The author of the article examines the contribution of the Uzbek people to the Great Victory during World War II, the life, and courage of our compatriots, the heroism of the residents of Surkhandarya region at the front.

ЎЗБЕКИСТОНДА БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАРАКАТЛАРИ

А.А.Юлдашев – мустақил тадқиқотчи

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Таянч сўзлар: тингловчилар, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари, сайёр ўқув модуллари.

Ключевые слова: аудитория, курсы переподготовки и повышения квалификации, выездные учебные модули.

Key words: audience, retraining and refresher training courses, trip training modules.

Бугунги кунда мамлакатда банк, молия, солиқ тизимлари ва иқтисодийнинг реал сектори тармоқларининг бошқарув кадрлари ва мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ушбу соҳаларда илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш борасида Банк-молия академияси алоҳида ўринга эга. Замонавий менежмент, молиявий-иқтисодий жараёнларни стратегик режалаштириш ва прогнозлаштириш, банк иши, молия, солиқ иши ва инвестициялар соҳасининг замонавий билим ва амалий кўникмаларини тингловчиларда шакллантириш Академиянинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Академияда мамлакат иқтисодий сиёсатини тўла амалга оширилишини таъминлаш, хорижий молия институтларини ривожланиш истиқболлари, давлат ва корпоратив молияларни бошқариш, халқаро ва миллий банк, солиқ, инвестиция, суғурта ва пенсия иши, монетар фискаль ва валюта сиёсати, стратегик менежмент ва маркетинг соҳалари бўйича тингловчиларга чуқур билимлар бериб келинмоқда. Академиянинг профессор-ўқитувчи ва илмий ходимлари томонидан илмий-инновацион йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилиб, улар давлат ва халқаро илмий-тадқиқот дастурлари, фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида илмий янгиликларга эришмоқдалар. Бу ишларни амалга оширишда замонавий таълим, тадқиқот шакллари ва усулларидан фойдаланиб, ўқув-методик, маънавий-маърифий ва илмий-тадқиқот жараёнлари мувофиқлаштирилган ҳолда олиб боришмоқда.

Банк-молия академияси 1996 йил 2 майда молия-кредит тизими учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш, молия бозорларини ривожлантириш соҳасидаги фундаментал илмий ва амалий тадқиқотларни олиб бориш мақсадида ташкил этилди [1]. Академияга, монетар сиёсат ва пул муомаласи, молия менежменти, активлар ва пасивларни бошқариш, инвестиция лойиҳаларини ҳар томонлама экспертиза қилиш ва молиялаш, халқаро молия бозорларидаги операциялар ва банк аудити йўналишларида юқори малакали мутахассис ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда молия-пул тизимини ва банк ишини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий

тадқиқотларни ташкил этиб бориш вазифалари юклатилди.

Олий таълим муассасаси ва илмий-тадқиқот марказ сифатида ташкил этилган Академиянинг банк иши ва молия факультетларига бир йиллик магистратурага олий маълумотли тингловчилар қабул қилинди. Пул-молия тизимининг амалиётчи раҳбар ходимлари эса, малака ошириш факультетига қабул қилиниб, улар олти ойлик ўқув дастури асосида малака оширадиган бўлди [2].

1996-1997 ўқув йили учун 80 нафар, жумладан банк иши факультетига – 40, молия факультетига – 20, банк ва молия раҳбар кадрлари малакасини ошириш факультетига – 20 нафар тингловчилар қабул қилинди. Аъло ва яхши ўқиган тингловчиларга Ўзбекистон банклари уюшмаси ажратадиган мақсадли маблағлар ҳисобидан асосий стипендиянинг 50 фоизигача миқдорда шахсий устамалар бериш жорий қилинди. Ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган тингловчилар республика ва хорижий мамлакатларнинг етакчи банк ва молия муассасаларига тажриба орттириш учун юборилди.

1997 йил Академияда “Солиқ ишлари” факультети [3], 2005 йилда Лойиҳаларни молиялаштириш факультети ташкил этилди [4].

2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори [5] билан Банк-молия Академиясида магистратурага қабул қилишнинг янги Низоми тасдиқланди. Бу билан академия тарихида янги давр бошланиб, инглиз тилини мукаммал биладиган, ўз мутахассислиги бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни ҳар томонлама ўзлаштирган, дунёнинг нуфузли ўқув ва илмий марказларида, халқаро ва хорижий молиявий институтларда амалиёт ўтаган юқори малакали бошқарув кадрлари ва мутахассисларни тайёрлаш асосий эътибор марказида бўлди.

Академия ўқитиладиган фанлар 66 тага етказилди. Акасарият фанларнинг ўқув дастурлари бойитилди, умумметодологик фанлар аниқ ихтисослашган фанларга ўзгартирилди, ўқув режага замонавий фанлар киритилди. Кафедраларнинг айримлари қайтадан ташкил этилди, айримлари бирлаштириб юборилди. Банк молия академиясида кафедларни оптималлаштирилиб, ўқитиладиган фанларни кенгайтирилганлигини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

КАФЕДРАЛАР

№	1996 йилда ташкил этилганлар[6]	Ўқитиладиган фанлар сони	Ҳозирда фаолият юритаётган[7]	Ўқитиладиган фанлар сони
1.	Иқтисодиёт, молия ва банк иши назарияси кафедраси	4	Банк иши	9
2.	Иқтисодий тарих ва ҳуқуқ кафедраси	4	Инвестициялар	12
3.	Тиллар кафедраси	1	Чет тиллари	1